

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ишмуротова Р. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Маъruzalap матни. Тошкент автомобиль ва йўллар институти. -Т., 2001, 27-36 б.
2. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. -М.: Эксмо, 1776. (Антология экономической мысли).
3. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. -М.: ЗАО «Бизнеском», 2013. - 408 с. (Библиотека генерального директора).
4. Еслеева И.И. Эконометрика: учебное пособие. -М.: Финансы и статистика, 2001. стр.41-87.
5. Аюбжонов А.Х., Маматкулов Б.Х. Статистика фанидан маърузалар матни. -Т., 2016, 118-120 б.
6. Statistika bo'yicha praktikum (2-nashr), O'quv qo'llanma. X. Shodiyev va I. Habibullayevlarning umumiy tahriri ostida. - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2015, 336 bet.
7. Tanzi, Vito, "Inflation, Lags in Collection, and the Real Value of Tax Revenue", Staff Papers, vol. 24, march 1977, IMF, 1977, pp. 154-167.
8. <https://www.fao.org/worldfoods situation/foodpricesindex/ru/> маълумотлари.
9. <https://data.imf.org> маълумотлари
10. Еженедельный информационно-аналитический журнал "АПК-ИНФОРМ", №26, 9 июль, 2022 йил, 9-бет.
11. www.stat.uz
12. <http://univer-nn.ru/econometrica/Fisher-Student-table.pdf> (Фишер ва Стьюдент критерияларининг жадвал қийматлари топиш учун манзил).
13. <https://ru.wikipedia.org/wiki/cornlaws>.



БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Хамдамов Шоҳ-Жаҳон Раҳмат ўғли -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
катта ўқитувчиси

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a5

Аннотация. Ушбу илмий мақолада барқарор ривожланишинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган, олимларнинг қарашлари ўрганилган. Солиштирма таҳлили ва Q методологияси бўйича таҳлил усувларидан фойдаланилган. Мавжуд муаммолар аниқланиб, уларнинг ечими бўйича муаллифлик қарашлари асосланган.

Калим сўзлар: барқарор ривожланиш, барқарорлик, иқтисодий ўсиш, айланма иқтисодиёт, яшил иқтисодиёт.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

Хамдамов Шоҳ-Жаҳон Раҳмат угли -
Старший преподаватель Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. В данной научной статье проведен анализ теоретических аспектов устойчивого развития, изучено взгляды ученых. Использовались аналитические методы сравнительного анализа и методология Q. Выявлено существующие проблемы и обосновано авторские взгляды на их решение.

Ключевые слова: устойчивое развитие, устойчивость, экономический рост, циркулярная экономика, зеленая экономика.

THEORETICAL ANALYSIS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT

Khamdamov Shoh-Jakhon Raxmat ugli -
Senior lecturer of the
Tashkent State University of Economics

Annotation. In this scientific article, analysed the theoretical aspects of sustainable development, the views of scientists are studied. Analytical methods of comparative analysis and methodology Q were used. Existing problems were identified and the author's views on their solution were substantiated.

Keywords: sustainable development, sustainability, economic growth, circular economy, green economy.

Кириш. Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 841-сонли қарорига биноан Бирлашган Миллат-

лар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган Саммитида қабул қилинган 70-сонли Резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадла-

рини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадлари белгиланган [1].

Мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистонда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, етакчи соҳа ва тармоқларни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Иқтисодиётда турли мулк шаклларини кенгайтириш, инновацион ҳамда инвестицион фаолиятни жадаллаштириш мақсадида институционал ўзгаришлар такомиллаштирилди. Бу каби муҳим чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсишнинг ижобий даражасига эришилди.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “макроиқтисодий мутаносиблигни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” [2] муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш сифатини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Адабиётлар таҳлили. Иқтисодчи олимлардан Ш.Мустафакулов, О.Рахимбердиев, М. Эгамбердиеваларнинг тадқиқот натижалари га кўра, барқарорлик нарса ва ҳодисаларнинг амал қилиши ҳамда ривожланишдаги ўсишига хос муайянлик ҳолати деб аталган [3].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури доирасида олиб борилган илмий ишларда, хусусан, Э.Ф.Гадоев таърифига биноан барқарор ривожланиш – жамият тараққиётининг энг муҳим замонавий тамойилларидан бири. Унга биноан жамиятнинг энг муҳим мақсади – ривожланишнинг узлуксизлиги, унинг барқарор характеристини таъминлашдир. Барқарор ривожланиш ўз ичига иқтисодий, экологик, демографик ва бошқа компонентларни қамраб олади ва нафақат ҳозирги кунда яшовчилар, балки келажак авлодларнинг муносиб турмуш даражасини таъминлашни кўзда тутади [4].

Н.Урмонов илмий ишларида барқарор ривожланиш шундай ривожланишки, у ахолининг ҳозирги эҳтиёжларини қондиради ва келажак авлоднинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятини хавф остига қўймайди, деб изоҳланган [5]. Ушбу таърифда экологик барқарорлик иnobatga олинган бўлиб, барқарор ривожланишнинг барча жиҳатлари инобатга олинмаган.

Н.Урмонов фикрича, барқарор иқтисодий ўсиш – иқтисодиётнинг узоқ вақт давомида юқори суръатлар билан ўсиб боришидир [5].

Хўш, қайси ўзига хос муайянлик ҳолати ва қайси бошқа компонентлар? Ушбу саволларга биз ўзбек олимлари ишларида тўлиқ жавоб топа олмадик ва хорижий маълумотлар ва ушбу атаманинг келиб чиқиш тарихига мурожаат қилдик.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда солиширма таҳлили ва Q методологияси бўйича таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар мұхқамаси. Хорижий маълумотларга кўра, барқарорлик (“устойчивость”) – тармоқнинг ташқи таъсирлар таъсири остида унинг ҳозирги ҳолатини сақлаб туриш қобилияти.

Бундан келиб чиқадики, барқарор ривожланиш – тармоқ (ёки тизим)нинг ташқи таъсирлар остида унинг ҳозирги ҳолатини сақлаб туриш эвазига эришиладиган ривожланиш. Аммо бу унчалик тўғри эмас, сабаби “барқарор ривожланиш” сўз бирикмасини биринчи бўлиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) қўллаган бўлиб, у ўз маъносини кенгайтирган. Ҳозирги кунда юқорида айтиб ўтилган таъриф факатгина “экологик барқарорлик”ка [6,7] тегишли бўлиб қолган.

“Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг барқарор ривожланиш мақсадлари қайсилик?” деган савол юзага келиши табиий. Ва биз ушбу мақсадлар доирасида “Барқарор ривожланиш”га қўйидагича тафсир (трактовка) берамиз:

Барқарор ривожланиш деб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ, яъни ўта қашшоқликка барҳам бериш, очликка барҳам бериш, соғлик ва фаровонлик, сифатли таълим, гендер тенглиги, тоза сув ва санитария, арzon ва тоза энергия, муносиб иш ўринлари ва иқтисодий ўсиш, саноатлаштириш, инновация ва инфратузилма, тенгсизликни камайтириш, барқарор шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойлари, масъулиятли истеъмол ва ишлаб чиқариш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, денгиз экотизимларини асраш, куруқликдаги экотизимларни асраш, тинчлик, адолат ва самарали бошқарув институтлари, барқарор ривожланиш йўлида ҳамкорликни таъминлаш асосидаги ривожланишга айтилади [12].

“Барқарор” сўзи иқтисодиётда бугунги кунда, асосан, ўсиш ва ривожланишга нисбатан ишлатилади ва “барқарор” сўзи омоним [9] сўз бўлиб, 2 та маънони англатганлиги сабабли иқтисодчиларимиз ўртасида баҳсли мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда [8] (1-расм).


Хусусан, мутахассислар томонидан ушбу иқтисодий атамалар фойдаланилганда, олимлар томонидан “барқарор” омоним сўзининг қайси маъноси назарда тутилаётганилигига изоҳлар талаб қилинмоқда ва музокараларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун “барқарор” омоним сўзининг ҳар бир маъносига мос келувчи янги синоним сўзлар таклиф қилиш орқали янги иқтисодий атамалар жорий қилиш зарурати юзага келмоқда.

Биз ўз илмий ишиимида иқтисодиётда фойдаланилаётган “барқарор” омоним сўзининг 2 та маъносидаги фарқларини таҳдил қилиш, шунингдек, ўзбек тилининг ўзига хослиги ва унинг этиологияси [10]ни мутахассис олимлар билан ўргангандан ҳолда уларнинг ҳар бир маъносига янги ва асосли синоним сўзлар, иқтисодий атамалар таклиф этиш билан юқорида келтирсанда мутахассисларнинг олдини олишни мақсад қилганимиз.

Биз илмий раҳбарим и.ф.д., проф. А.Усманов бошчилигида “барқарор ривожланиш” иқтисодий атамаларни таҳдил этишни келиб чиқиб, яъни кўпроқ ривожланишнинг интенсив омиллари (TFP) ҳисобидан юзага келиши керак [11].

Содий атамасини чуқур ўрганиб чиқсан ҳолда қуйидаги таърифни ишлаб чиқдик:

Барқарор ривожланиш – ривожланишнинг тикланадиган табиий, ишлаб чиқариш ва меҳнат омиллари билан таъминланган ЯИМнинг миқдорий ва сифат жиҳатдан ўсиши. Бунда ривожланишнинг барқарорлигини вақт даврларида – ривожланишнинг жорий, ўрта ва узоқ муддатли даврларида – кўриб чиқиш лозим. Жорий даврда иқтисодиётнинг ўсиши вазифаларидан келиб чиқиб, ЯИМ ўсишининг юқори суръатларига эришиш мумкин. Бироқ иқтисодиёт ривожланишининг, унинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболларини ҳисобга олган ҳолда ривожланиш, ЯИМнинг ўсиш суръатлари, асосан, иқтисодиётни жадал ривожлантириш имкониятларидан келиб чиқиб, яъни кўпроқ ривожланишнинг интенсив омиллари (TFP) ҳисобидан юзага келиши керак [11].



1- расм. “Барқарор” омоним сўзи маъноларининг рус тилидаги фарқи

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шундан келиб чиқиб, қўйида биз ҳар иккала маъносига янги синонимлар таклиф этамиз (1-жадвал).

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида барқарорлик – турғунлик, мустаҳкамлик, ўзгармаслик ҳолати деб келтирсанда мутахассисларнинг олдини олишни мақсад қилганимиз [9].

“Барқарор” асли форсий сўз бўлиб “бар-“ префикс олд қўшимча бўлиб, “ҳамоҳанг” “мос” маъноларини англатиб “қарор” эса “тўхтам”, “ечим”, “хулоса” маъноларини англатади. Барқарор сўзи “қарорга мувофиқ” “қабул қилинган қарорга, келишилган ечимга мос” маъноларини англатади.

1- жадвал

Барқарор сўзининг 2 та маънолари орасидаги фарқ

	Барқарор	
Рус тилида	устойчивый	стабильный
Инглиз тилида	sustainable	stable
Форс-тожик тилида	устувор	устуворона
Турк тилида	kararli	istikrarli
Янги таклиф этилаётган муаллифлик атамалари	-	мўътадил (ёки мувозанатли, турғун, равон, текис)

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

“Мўътадил” сўзи асли арабча сўз бўлиб, “одил”, “адолат” сўzlари билан ўзакдош ҳисобланиб, “умуман”, ўртача”, “меъерий” маъноларини англатади.

“Барқарор ривожланиш” ва “барқарор ўсиш” иқтисодий атамаларида, “барқарор” сўзи икки хил маънони англатаётганлиги инобатга олиниб, уларнинг ҳар бир маъноларига мос келувчи янги “устувор ривожланиш”, “мўътадил ривожланиш” ва “мўътадил ўсиш” иқтисодий атамаларини амалиётга жорий этишини таклиф этамиш.

Барқарорликнинг учта асосий тамойили дунё миқёсида халқаро ва миллий сиёсатни маълум қиласди: айланма иқтисодиёт (Circular Economy), яшил иқтисодиёт (Green Economy) ва биоиқтисодиёт (Bioeconomy). Баъзи олимлар, шунингдек, бизнинг ҳам фикримизча, биоиқтисодиётни яшил иқтисодиётнинг бир қисми си-

фатида қараш мумкин. Ушбу тушунчалар иқтисодий, экологик ва ижтимоий мақсадларни мувофиқлаштириш учун турли хил ечимларни таклиф қиласди (2- жадвал).

Тадқиқотда бугунги кунда иқтисодиёт таркибида энергетика ва металлургия тармоқлари, хусусан нефть ва газ саноати, кўумир конларининг экология ва атроф-муҳит, инсоният саломатлигига етказилаётган зарари ва унинг оқибатлари таҳлил этилган. Энергия самарадорлигини ошириш ва атроф-муҳитга таъсирни камайтириш, хусусан, муқобил энергияяга ўтиш бўйича назарий ва амалий тавсиялар берилган. Мамлакатда яшил иқтисодиётни ўлчаш халқаро кўрсаткичларининг Ўзбекистондаги ўрни таҳлил этилган, Ўзбекистон давлат статистика маълумотларида йўқ кўрсаткич муаллиф томонидан эконометрик формулалар асосида аниқланган.

2-жадвал

Барқарорликнинг “Q” методологияси бўйича таҳлили

Иқтисодий барқарорлик	
Айланма иқтисодиёт (Circular Economy)	Қайта ишланадиган маҳсулот ва хизматлардан саноат даражасида иқтисодий фаровонликни ошириш, қайта ишланувчи маҳсулотлар – “Recycling products”ни ишлаб чиқаришда пластик ва металл буюмлардан хомашё сифатида кенг фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш
Яшил иқтисодиёт (Green Economy)	Экотизимни асраш, уни яхшилашга товар ва хизматлардан саноат даражасида иқтисодий фаровонликни яхшилаш, молиявий оқимларни йўналтириш ва табиий капиталга инвестициялар орқали молиявий натижаларга эришишни таъминлаш
Биоиқтисодиёт (Bioeconomy)	Биотехнология ва агроэкологик усуллар ёрдамида биомаҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш эвазига иқтисодий фаровонликни ошириш
Атроф-муҳит барқарорлиги	
Айланма иқтисодиёт (Circular Economy)	Ишлаб чиқариш ва истеъмол материаллари оқимининг ёпилиши туфайли ресурслар ва атроф-муҳитга боғлиқликнинг пасайиши
Яшил иқтисодиёт (Green Economy)	Табиатни асраш, тиклаш ва табиатга асосланган ечимлар орқали табиий капитал ва тегишил экотизим хизматларини кенгайтириш
Биоиқтисодиёт (Bioeconomy)	Қайта тикланмайдиган энергия манбаларидан қайта тикланадиган энергия манбаларига боғлиқликни қайта тақсимлаш ва агроэкологик ва технологик ёндашувлар ёрдамида биологик асосда биологик қўшимчалар ва уларни ишлаб чиқиши орқали атроф-муҳитга таъсирни камайтириш
Ижтимоий барқарорлик	
Айланма иқтисодиёт (Circular Economy)	Чиқиндиларни камайтириш, қайта ишлашга мўлжалланган саноат кластерлари орқали худудларни ривожлантириш ва трансформациялар
Яшил иқтисодиёт (Green Economy)	Экотизим менежменти харажатлари ва фойдаларини биргаликда, адолатли тақсимлаш; экотуризмни ва биологик хилма-хилликка асосланган бошқа бизнесни ривожлантириш
Биоиқтисодиёт (Bioeconomy)	Бирламчи ишлаб чиқарувчилар ва биосаноат кластерлари орқали худудий ривожланиш

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот илмий натижаларига кўра қўйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. “Барқарор ривожланиш” ва “барқарор ўсиш” иқтисодий атамаларида, “барқарор” сўзи икки хил маънони англатаётганлиги аниқланди, уларнинг иккинчи маъноси (стабильный)га мос келувчи янги “мўътадил ривожланиш” ва “мўътадил ўсиш” иқтисодий атамаларидан амалиётда фойдаланиш керак.

2. Барқарор ривожланиш бўйича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди ва амалиётда фойдаланиш учун таклиф этилди.

3. Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари веб-сайтини яратиш ва унда Миллий барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича йиллик тўпламларни ўзбек тилида жойлаштириш таклиф этилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори, <https://lex.uz/docs/4013356>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.
3. Мустафакулов Ш., Рахимбердиев О., Эгамбердиева М. Иқтисодий атамаларнинг изоҳли луғати. -Т., 2019.
4. Ўзбекистон: Амалий қўлланма. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ва инсон тараққиёти принципларини амалга оширишининг парламент томонидан таъминланishi. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури. Тошкент-2011.
5. Урмонов Н., Мустафакулов Ш. Молиявий-иқтисодий таянч сўзларга қиёсий изоҳли луғат. -Т., 2016.
6. Khamdamov S.J. и Usmanov A. Новые методологические рекомендации для экономического роста, Архив научных исследований, (2021). 2(1). доступно на: <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/394> (просмотрено: 23 август 2022).
7. Khamdamov S.J., Usmanov A. New methodological recommendations for economic growth. //Архив научных исследований. - Т., №1. 2022.
8. Khamdamov S.J. Calculating Share of Factors of Intensive Economic Growth in Uzbekistan. //The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems. – 2021, срп. 393-397.
9. Ўзбек тили практикуми. Тошкент - 2005. https://n.ziyouz.com/books/_kollej_va_otm_darsliklari/onatali_va_adabiyot/O'zbek%20tili%20praktikumi.%201-qism.pdf
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. http://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/ O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20B.pdf
11. Усманов А. Ички захира ва имкониятларни сафарбар қилиш стратегиясининг концептуал асослари. Монография. Б.14. -Т, 2017.
12. “Барқарор ривожланиши” иқтисодий атамаси муаллифлик таърифи.



ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a6

Ким Елена Радионовна -
ТДИУ «Макроиқтисодий таҳлил ва
прогнозлаштириш» кафедраси
китта ўқитувчиси

Аннотация. Сўнгги пайтларда мамлакат иқтисодиётida инсон капиталини шакллантириши ва ундан самарали фойдаланиши тенденцияларини ўрганиш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Ушибу мақола инсон капиталининг шаклланнишини ўрганишга багишланган. Мақолада Ўзбекистон Республикасида инсон капиталини шакллантириши жараёнига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.

Ключевые слова: инсон капитали, инсон капиталини шакллантириш омиллари: демографик; иқтисодий; экологик; институционал; хулқ-автор; инсон капиталининг тузилиши.

МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА ФОРМИРОВАНИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

Ким Елена Радионовна -
старший преподаватель кафедры
«Макроэкономический анализ и
прогнозирование» ТГЭУ

Аннотация. В последнее время изучение тенденций формирования и эффективного использования человеческого капитала в экономике страны приобретает особую актуальность. Настоящая статья посвящена изучению формирования человеческого капитала. В статье предпринята попытка анализа факторов, воздействующих на процесс формирования человеческого капитала в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: человеческий капитал, факторы формирования человеческого капитала: демографические; экономические; социальные; экологические; институциональные; поведенческие; структура человеческого капитала.